

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 200-ҳадис

200/291 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا جَلَسَ بَيْنَ شُعَبِهَا الْأَرْبَعِ، ثُمَّ جَهَدَهَا، فَقَدْ وَجَبَ الْعَسْلُ».«

200.291 Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аёлнинг тўрт мучаси\* орасига ўтиrsa, сўнг унга куч сарфласа, ғусл вожиб бўлибди»**, дедилар».

\* «Муча» деб таржима қилинган сўз ҳадисда «шувъаб» («аъзолар») деб келган. Ҳадисда бу сўздан қайси аъзолар назарда тутилгани ҳақида уламолар турлича фикрларни айтишган. Мухими, бу сўз аёлга яқинлик қилиш маъносида ишлатилган. Бу ўринда ундан икки қўл ва икки оёқ назарда тутилса, мақсадгага мувофиқ бўлади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

